

# OILA DAVTRASIDA

№ 8  
(458)  
2021-yil  
25-fevral  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.



«Кўп БОЛАЛИ  
БАХТИЁР ОНА»  
ЁХУД ЛУТФИХОНИМ  
САРИМСОҚОВАНИНГ  
«ГУНОҲ»И

5-бет



– Шурик, Хивага боришни истайсанми?

– Саёҳат қилишга хоҳишим бору имкониятим йўқ-да!..

– Кел унда, имкониятимиз билан хоҳишимиз тўғри келгунча кўк чой ичиб тураимиз...

## САЁҲАТ ҚИЛИШ УЧУН

Ёхуд болалигида бир марта отаси билан Хивани кўриб келиб, мақтаниб юрганлар ҳам бугун саксонга қиряпти

## ХОҲИШ ВА ИМКОНИЯТИНГИЗ ЕТАРЛИМИ?



Юртимизнинг ҳар бир қаричи табаррук, ҳар бир манзили муқаддас қадамжо. Айниқса, хорижлик сайёҳларни ўзига оҳанрабодек тортади. Тарихий шаҳарларимиз орасида Самарқанд, Бухоро ва Хива ўзгачалиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Уларни умумлаштириб турувчи жиҳатлар билан бирга қатор ўзига хосликлари ҳам бисёр.

Хива қарийб уч минг йиллик тарихга шоҳид. Шаҳар саҳнида ўрмалаб юрган одамлар бу шаҳар учун майдагина чумолидай гап. Айниқса, қулоч етмас қалъа деворлари тарихнинг не-не кунларига тилсиз гувоҳ бўлиб туришибди.

Давлат муҳофазасига олинган Ичан қалъа ёдгорлик мажмуаси қадимий ва ҳамшиша навқирон шаҳарнинг юраги, десак муболаға бўлмайди. Ичан қалъа ҳаммани бирдай ўзига мафтун этган. Ичан қалъага ҳар гал борганимда икки қалъа ҳақидаги машҳур ҳикматлар ҳаёлимда жаранглайверади.

...Сайёҳлар Хивага турли заминлардан, олис-олислардан қадам ранжида қилишган. Улар орасида французу арабни ҳам, испану португални ҳам, англизу немисни ҳам, япону корейсни ҳам, кўйингки, яна оламжаҳон ажнабий сайёҳларни учратиш мумкин. Улар ўзлари билан ўз юртининг соғинчи билан бирга ватанига оид айрим хабарларни ҳам олиб келиши турган гап. Масалан, калта шимча кийиб олган

сайёҳ бобой ўз юртида чоллар шундай кийимда бемалол юраверишини бизга ҳам намоиш этяпти. Бу билан бизга ҳам шу таомилни олиб келяпти. Ҳа, дунёнинг турли бурчакларидан келатган инсонлар ўзлари билан ўз юртининг турли урф-одат ва қадриятларини олиб келиши табиий. Уларнинг бизга «экспорт» қилинишини ким қанақа тушунади, бу – маълум.

Дарвоқе, хивалик меҳмонхона бекаси бизда ҳали мисли кўрилмаган ишга қўл ургани ҳақида хабар тарқалди. Эмиш-ки, меҳмон кутишда ўша бека буткул янгича йўл тутиб, ҳаммани ҳайрон қолдириб, оламшумул янгилик киритганмиш. У янгилик нима бўлди экан, деб биз ҳам қизиқиб кўрсак, билдикки, ўша хоним меҳмонларга ўз юртларидагидай тик туриб овқатланиш учун шароит яратиб берган экан...

Э, сиз-э, сиз! Улар шу ерга келиб ҳеч бўлмаса овқатланиш одобини ўрганиб кетишар, деган илинжда ота-буваларимиз неча йиллардан бери уларни ўтириб

овқатланишга таклиф этишар, бу билан уларнинг хулқ-атвориға ҳам, саломатлигига ҳам раҳм-шафқат кўрсатишарди. Энди эса, ўзимизнинг ўша минг йиллик анъана ва қадриятларимиз яна таши ялтироқ ажнабий урфга алмаштирилаётгани ғалати эмасми?!

Ичан қалъадаги барча меҳмонхоналар, дўконлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари ажнабий тилда сайёҳларни ўзига чорлаб туради. Кези келганда бир ҳақиқатни изҳор этиб қўяй: учинчи синф маълумотиға эга бўлган бола сайёҳлар билан инглиз тилида бемалол гаплаша олади. Балки институт талабаси ҳам бунчалик равон бидирлай олмас-ов. Бу ёқда тилнинг мураккаб қонуниятлари: инфинитиву герундийлардан баҳс қиладиган таълим тизимимиз қўлиға бирон китоб ушламаган бозорчи боланинг тилбилгич заковати олдида ҳайрон қолиши шубҳасиз. Сайёҳлар бирон дўкон, музей, емакхона ё зиёратгоҳ ёниға яқинлашса, бас! Эшик олдида мунтазир турган хивалик ишбилармон худди минг йиллик ота кадронларини учратиб қолгандай, меҳмонларга кучок очиб, уларга ўз она тилида гапириб, ҳол-жонига қўймай, жиндай «меҳмон қилади». Ўзга эл, ўзга миллат, ўзга дин вакили бўлса-да, меҳмон худди ўзининг катта бобоси қабри пойига келиб қолгандай, Хивадаги азиз-авлиёларнинг

мақбарасини-да ҳайрат ва таажжуб оғушида «зиёрат» этади.

Шу жойда бир нарсаға ҳеч ақлим етмайди: бу ажнабий сайёҳлар дунёнинг нариги чеккасидан йўл босиб, бизнинг Полвон пирни зиёрат қилишға келганмикан? Авлиёмизнинг доврўғи уларга ҳам етиб борган экан-да!? Балки «шу зотнинг қабрини бир зиёрат қилсам», деб умр бўйи ният қилиб келишгандир...

Янада ажабланарлиси, улар пиру авлиёларимизни билса-билмаса, дунёнинг нариги чеккасидан келиб, саёҳат қилиб кетишяпти. Бир умр ўзимизнинг Гандимиёнда яшаб, бир қадам Ичан қалъани бир бора кўрмасдан ўтиб кетганлар қанча?..

### Полвон пир ва Шекспир

Инсоният бир ота-онадан тарқаганини ҳамма эътироф этади. Шунинг учун ҳам инсониятнинг аслий таомиллари бир-бириға жуда ўхшаш. Масалан, инглизлар Шекспирни алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан улуғлашади. Севиб мутолаа қилишади. Ҳар бир эпизоди ёд бўлиб кетган бўлса ҳам «Отелло»ни, «Қирол Лир»ни, «Гамлет»ни такрор-такрор таъсирланиб томоша қилишади. Шундай буюк инсон бизнинг бобокалонимиз, дея фахрланиб юришади...

(Давоми 3-бетда)

# БОЛА ПАРВАРИШЛАШ НАФАҚАСИ ОЛИШ

## расман осонлаштирилди

«**Хозирда бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда.**

Пенсия жамғармаси бошқарма бошлиғи Зайниддин Аралов бола парваришlash нафақасини олиш тартиби ҳақида маълумот берди. Бу ҳақда жамғарма матбуот хизмати хабар қилмоқда.

Қайд этилишича, Ўзбекистон фуқаролари, республикада доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар нафақалар ва моддий ёрдам тайинлашни сўраб, ариза билан яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинларига мурожаат қилишлари мумкин.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун фуқаро ҳеч қандай маълумот йиғиши шарт эмас. Фақатгина ариза билан ўзи ва оила аъзоларининг паспорт нусхалари (никоҳ ва туғилганлик тўғрисида гувоҳномалар) тақдим этилади.

Фуқаро аризани маҳалла фуқаролар йиғинига беради. Маҳалла фуқаролар йиғинлари аризаларни ойнанинг 15-санасигача қабул қилиб 18-санасигача Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этади. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими қабул қилинган аризаларни ойнанинг 25-санасигача «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига



кирилади.

Хозирда тизим 9 та вазирлик ва идораларнинг электрон базасига уланган. Айти пайтда улардан 20 турдаги маълумотлар олинмоқда. Дастурга фуқаронинг паспорт серияси ва шахсий идентификация рақамлари киритилади ва унга тегишли барча маълумотлар автоматик равишда чиқади.

Аризани қаноатлантириш ёки рад этишда Пенсия жамғармаси ёки маҳалла фуқаролар йиғинлари умуман иштирок этмайди.

Жорий йилнинг январ ойида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали республиканинг барча ҳудудларида 3 турдаги (бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича, 14 ёшгача болалари бўлган ои-

лаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам) нафақалар инсон омилсиз тўлиқ тайинлаб келинмоқда», деган жамғарма вакили.

Шунингдек, Зайниддин Аралов ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилиш ҳолатлари тўғрисида ҳам маълумот берган.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига мувофиқ, юқоридаги

нафақалар ва моддий ёрдам оиланинг жами даромади белгиланадиган даврда киши бошига тўғри келадиган даромади меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан (1 февралдан бошлаб бу 393,8 минг сўм) ортиқ бўлса, агар оила аъзолари номида биттадан ортиқ кўчмас мулк, яъни ўзи яшаб турган уйдан бошқа яна кўчмас мулки мавжуд бўлса, ишлаб чиқарилганига 10 йил тўлмаган автомашинаси мавжуд бўлса, иккита ва ундан ортиқ автомашинаси мавжуд бўлса, ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади.

Болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақалар эса, 12 ойга тайинланади, бироқ бола икки ёшга тўлган ойдан ортиқ эмас.

Бундан ташқари, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати давлат қўмитаси ходимлари ва хизматчилари ҳамда таркибидаги ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари, уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари) ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилалар учун назарда тутилган бошқа давлат ижтимоий хизматларини олиш учун «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аризалар кўриб чиқилишига йўл қўйилмайди», дея бошқарма бошлиғи сўзларини келтирмоқда жамғарма матбуот хизмати.

Маълум қилинишича, оила аъзоси ҳеч қандай расман банд бўлмаса, жамоат ишлари иштирокчиси бўлмай, ишда ишлаш учун меҳнат органларига мурожаат қилиб, иш излаётгани тўғрисида рўйхатга олинмаган бўлса ҳам ижтимоий нафақа бериш рад этилади.

## Аҳолига яна бир қулайлик

«**Туғилганликни қайд этиш бўйича комплекс давлат хизматларининг барчасидан бир вақтда ёки айримларидан фойдаланиш имконияти яратилди.**

Вазирлар Маҳкамасининг «Туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Маълум қилинишича, ариза берувчи ўз хоҳишига кўра ушбу комплекс хизматларнинг барчасидан бир вақтда ёки айримларидан фойдаланиши мумкин. Фақат болани доимий рўйхатга қўйиш бундан мустасно.

Янги тартибга кўра:

туман (шаҳар) ички ишлар бўлими Ички ишлар вазирлигининг «Манзил» ахборот алмашинуви тизими орқали болани отаси ёки онаси ёхуд васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатда турган манзили бўйича бир иш куни ичида рўйхатга қўяди ва ариза берувчига хизмат натижаси бўйича SMS-хабар юборади.

Мақтабгача таълим вазирлигининг мақтабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизими автоматик равишда болани

сўровномада кўрсатилган давлат мақтабгача таълим ташкилотига навбатга қўяди ва ариза берувчига хизмат натижаси бўйича SMS-хабар юборади;

Пенсия жамғармасининг «Пенсия» ахборот тизими автоматик равишда фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пулини расмийлаштирилади ва ариза берувчига хизмат натижаси бўйича SMS-хабар юборади. Боланинг отаси ёки онаси шахсни тасдиқловчи хужжатларни кўрсатган ҳолда, бола туғилгандан бошлаб 6 ой муддат ичида бир марталик нафақа пулини олиш учун «Халқ банки»нинг исталган филиалига мурожаат қилади;

«Халқ банки» филиали бир марталик нафақа тўловини олиш учун мурожаат қилган фуқаронинг нафақага бўлган ҳуқуқини Пенсия жамғармасига электрон сўров юбориш орқали тасдиқлайди ҳамда олдиндан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан нафақа тўловини амалга оширилади. Бунда, тўлов амалга оширилгани ҳақида маълумот ариза берувчига SMS-хабар орқали юборилади.

Бир марталик нафақани олиш учун мурожаат қилган шахс бунга ҳуқуқи бўлмаса, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, нафақани олиш учун бола туғилгандан бошлаб 6 ойдан кейин мурожаат қилса, ушбу нафақа аввал ота ёки онасининг бирига тўлаб берилган бўлса бир марталик нафақани тўлаш рад этилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Электрон поликлиника» ахборот алмашинуви тизими она рўйхатда турган поликлиникага (рўйхатда турмаган тақдирда доимий ёки вақтинча рўйхатда турган яшаш манзилидаги поликлиникага) болани рўйхатга қўяди ва ариза берувчига рўйхатга қўйилганлиги ҳақидаги хабарни SMS орқали юборади.

Шунингдек, ҳукумат қарори билан туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматлари Тошкент ва Нукус шаҳарларида, 2021 йил 1 февралдан барча вилоятлар марказларида, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб эса — бутун республика ҳудудида кўрсатилиши тасдиқланган.

### ЎЗБЕКИСТОНДА БИР ОИЛАГА ЎРТАЧА НЕЧТА ФАРЗАНД ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА?

Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январ-декабрь ҳолатига, уй хўжаликлари танланма кузатувлари маълумотларига асосан 16 ёшгача болалар мавжуд бўлган уй хўжаликлар 74,3 фоизни ташкил этди, шундан 23,4 фоизи бир болали, 26,8 фоизи икки болали, 16,9 фоизи уч болали ҳамда 7,2 фоизи тўрт ва ундан кўп болалиларни ташкил этган. 25,7 фоиз уй хўжаликларда эса 16 ёшгача болалар мавжуд эмас.

### БЕНЗИН НАРХИ ОШДИ

Ўзбекистонда Аи-80 маркали бензин нархи қарийб 5 фоизга ошди

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси савдоларига 29 622 тонна Аи-80 маркали автомобиль бензини қўйилган ва шундан 9574,5 тоннаси, яъни 32,3 фоизи сотилган. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 23 харидор иштирок этди, деб хабар беради «Халқ сўзи Online».

Кўриб чиқилаётган даврда Аи-80 маркали автомобиль бензинининг бошланғич нархи кўтарилганлиги сабабли маҳсулотнинг ўртача кунлик нархи бир тоннаси учун 6084 минг сўмдан 6376,6 минг сўмгача ёки 4,8 фоизга кўтарилган. Яъни бензин биржа савдоларида деярли бошланғич нарх даражасида сотилган.

«Кўриб чиқилаётган даврда Аи-80 русумли автомобиль бензинининг ўртача ҳафталик котировкаси 6153,4 минг сўмни, Аи-91 – 7488,8 минг сўмни ташкил этди», — дейилади хабарда.

# САЁХАТ ҚИЛИШ УЧУН

Ёхуд болалигида бир марта отаси билан Хивани кўриб келиб,  
мақтаниб юрганлар ҳам бугун саксонга қиряпти

(Бошланғичи 1-бетда)

Бизда эса Полвон пир, Улли пир каби минглаб пир буваларимиз бор. Уларнинг ҳаёти, фаолияти, ижодий мероси ҳақида ҳеч нарса билмасак ҳам тўй куни мабараси қошига зиёратгоҳга бориб расмга тушишни, мақбара олдидаги кудукдан ниёт қилиб сув тортиб ичишни, авлиёнинг хоки қўйилган қабр устига пул сочишни, ис чиқариб, ўтганлар руҳига атаб бўғирсоғу қатлама пишириб боришни, чироқ ёқишу дарахтга латта боғлашни канда қилмаймиз. Бу расм-русумларни ким ўйлаб топганига ҳеч кимнинг ақли етмайди. Ким бўлса ҳам бу беҳудагарчиликларни халқнинг турмуш тарзига шу қадар чуқур сингдирганки, мана, неча ўн йиллардан бери курашиб, оломонни бу бемаъни хатти-ҳаракатлардан ажратиб олишнинг имкони бўлмапти.

Сайёҳлар ҳазрат Пахлавон Махмуд мақбарасига кирганида одамларнинг бундай ишларига ҳар гал ажабланиб қарашади. Қудукдан сув ичиб мурод-мақсадига етиш ҳатто улар учун ҳам хайрон коларли-да!

Мақбара жойлашган ҳужра эшигига нақшинкор ёзувлар битилган. Ояту ҳадислар арабий, дуо ва абёт форсийда ёзилган. Сайёҳлар бу нақшинкор ёзувлар қаршида бир дам тин олишади, хайратларини ўзлари билан баҳам кўришади, кейин шарақ-шуруқ қилиб тасмага муҳрлашади. Мақбара эшиги пештоқига ҳазратнинг рубойларидан бири битилган.

*Уч юз Кўҳи Қофни келида тўймоқ,  
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,  
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ  
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.*

Инсониятнинг яна бир муштарак жиҳати шундаки, уруғи тошлоққа ёйилган нодонлар ҳамма жойда бор. Эҳтимол, шу сабабдир бу рубойи зиёратчиларнинг кўзи тушадиган жойга нақшланган. Ҳаётнинг энг муҳим қонунидай овозсиз жаранглаб туради...

## Саёҳатга бора оламизми?

Яна бир муҳим гап ҳаёлдан кўтарилибди. Бу каби тарихий зиёратгоҳларга боришга кўпроқ маҳаллий аҳоли ошуфтами ёки хорижлик сайёҳлар? Бу саволнинг риториклиги ҳаммага маълум бўлса керак. Ҳамёнини тўлдириб дунё бўйлаб сайру саёҳатга чиққан хорижлик сайёҳ учун бир кеча меҳмонхонада тунашга юз доллар тўлаш, эллик долларга биргина эсдалик совға сотиб олиш, яна йигирма беш-ўттиз долларга овқатланиш чўт эмас, албатта. Аммо бир ой давомида кўз тиккан маоши қачон пластик картасига тушишни кутиб яшайдиган киши бундай сарф-харажат қилишга ботинолмаслиги табиий. Ойликдан бир амаллаб йиққан-терганини тўйига атайдиган, уйини бутлаб, эл-юрт олдида қаддини тутиб юришни кўзлайдиган, фарзандларни уйлантириб чиқариб, уйли-жойли қилгандан кейин набира-лар ташвиши билан яшайдиган ўзбек учун яқка ўзи бирон жойга бориб саёҳат

қилиши жуда нодир ҳол. Бунинг устига бизда катта зиёратгоҳга бир ўзи борган кишини учратиш маҳол. Ҳаётида албатта бирон қайғу ё қувончли бир ҳодиса юз берсагина саёҳатга чиқилади. Ўзича шундай бир айланиб келаман, деб саёҳат қилиш йўқ.

Яқинда Хивага борганда янги тартиб ўрнатилганини эшитиб хайрон бўлдим. Энди зиёратгоҳларга пул тўлаб қириладиган бўлибди. Қойил! Бу ҳам даромад топишнинг бир йўли-да! Аммо бу тадбир нимага хизмат қилишини бир мулоҳаза қилиб кўриш керакка ўхшайди. Бундан ким ютадию ким ютқазади? Текинга саёҳат қилмайдиган мардум энди борармикан?

Байрамлар муносабати билан дам олиш кунлари камида уч кун қилиб белгиланди. Бундан мақсад оилавий дам олишни ташкил қилиш. Лекин дам олиш масканларига боришга ҳамманинг



ҳам юраги дов беравермайди. Чунки у жойларга боришнинг отнинг калласидай тўлови бор. Олдин бир-икки бориб турганлар ҳам энди жиддий ўйлаб кўришади. Натижада, кўзланган мақсад тескари оқибатларга олиб келиши – ички туризм ривожланиши ўрнига янада сусайиши мумкин. Бу соҳа орқасидан даромад топаётганларнинг қора қозони сувга ташланади.

Хивада олдин ҳар бир музейга кириш пулли эди. Ҳозир эса Ичан қалъанинг ўзига ҳам пул тўлаб қириладиган бўлибди. Бизда одамлар музейлардан ҳам кўра муборак зиёратгоҳларни кўришга ошуфта. Уларга кирганлар албатта кўнглидан чиқариб эҳсон беради. Лекин мажмуага пул тўлаб қирилиши кўпларга эриш туюлади. Назаримизда, ички туризмни ривожлантиришда даставвал маҳаллий аҳолини туристик манзилларга кенг жалб қилишни, улар учун етарлича шарт-шароит ва қулайликлар яратиш беришни мақсад қилиш зарурга ўхшайди. Аксарият аҳолининг реал даромадлари ички туризм имкониятларига қай даражада уйғун экани ҳақида

# ХОҲИШ ВА ИМКОНИЯТИНГИЗ ЕТАРЛИМИ?

ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Йўқса, бурнимиз тагидаги обидаларимиз зиёратини тўлиғича минг-минглаб қақиримлардан келадиган ажнабий сайёҳларга қўшқўллаб топшириб қўямиз.

Биздаги нарх-наво кўплаб туристларни қаноатлантираётгани эътироф этиляпти. Тўғри, ойига беш-олти минг доллар даромади бор сайёҳ учун йўлқира, меҳмонхона, овқатланиш ҳамда турли мажмуаларга саёҳат учун чипта олиш чўт эмасдир. Лекин ўртача ҳисобда бор-йўғи икки юз доллар атрофида даромад қиладиган маҳаллий аҳолининг истеъмол саватчасида лоқал икки йилда бир марта ички туризм учун улуш ажратилганми?

## «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!»

Бундан уч йиллар олдин мана шу шиорни оммалаштиришга жиддий киришилди. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 7 февралда «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам

ҳисобидан; фаол хотин-қизлар учун – ўз маблағлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси маблағлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан; маҳалла фаоллари ва ёш оилалар учун – ўз маблағлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан тенглик асосида қопланиши айтилган эди.

Хўш, мана шу йўналишда қанча ишлар амалга оширилди, деб сўрасангиз тегишли ташкилотлар бир дунё рақамларни қалаштириб ташлашар эҳтимол. Лекин оддий қишлоқ одамларидан шу ҳақда сўрасангиз ё елка қисшадди, ёки ёшлигида отаси Хоразмдаги дўстиникига тўйга борганида бир марта Хивага олиб борганини айтишдан нарига ўтмайди.

Яқинда, 2021 йил 9 февралда эса Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Бу ҳужжатда ҳам юртимизнинг дунёга дoston бўлган обидалари, зиёратгоҳларига халқимиз кўпроқ боришини кўзлаб, бир қатор янгиликлар жорий этилган. Энди гап фақат одамларимизда саёҳат қилиш хоҳиши ва имконияти тенг бўлишида қолди. Акс ҳолда ҳозиргидек имконияти борлар Дубаю, Малдив қилиб юравериши, фақат хоҳиши бору имконияти йўқлар оддийгина самолёту поездга билет тополмасдан (ёки ололмасдан) Хивани бир бориб кўриш орзуси орзулигича қолиб кетавериши ҳеч гап эмас.

## Истеҳком

Хиванинг қалъа деворлари бу каби ҳодисаларнинг неча-нечасига гувоҳ бўлган. Синовли кунларда ҳам, шодликда ҳам инсониятни ўз бағрига чорлаб тураверади. Бу ерларни бир кўрган киши яна келиш орзусида яшайди. Дешон қалъанинг метин-муस्ताҳкам деворлари нима сабабдан бунчалар нураб кетганига ақл бовар қилмайди. Машҳур ҳикоятда келтирилишича, дешон қалъа истеҳкоми шаҳарнинг асосий қисми бўлган Ичан қалъа ва у ердаги аҳолини тарихдаги бало-офатлардан ҳимоя қилиб турган. Душман зарбидан ўзи абгор ҳолга келган бўлса-да, ичкарига ёвни доритмаган. Ақлу закоси биздан анча баланд бўлган аждодларимиз «ичкари»ни омон сақлаб қолиш учун шундай ташки истеҳкомлар барпо этишган.

Хивадаги Дешон қалъа атрофини кузата туриб, тобора глобаллашиб бораётган бугунги кунимиз учун ҳам худди шундай маънавий истеҳкомлар зарурлигини чин қалбдан ҳис қила бошлайсиз. Бундай истеҳкомлардан мақсад аввало ичкаридаги халқни асраб-авайлашдир.

...Инсон ичидаги қалб ва онг каби аслий бойликларни асраб-авайлаш учун ҳам ана шундай қўшқаватли истеҳкомлар керак аслида.

Абдукарим АВАЗБЕКОВ

# ҲАММА НАРСАНИ

## АХБОРОТ ОЛАМИГА

### ТЎНКАШ НОТЎҒРИ

## Ўзимиз болаларга кам вақт ажратяпмиз

« Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг безори ҳаракатлари билан боғлиқ видео тасвирлар ва беодоб воқеалар кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Биз катта авлод вакиллари бу ҳолатларга бефарқ бўлмай, унинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилишимиз лозим. Нимага бундай воқеалар урчиб бормоқда?

Ҳамма нарсани ахборот оламига тўнкаш ҳам нотўғри. Биз болаларга кам вақт ажратмоқдамиз. Самимий суҳбатлар қилмаяпмиз. Турмуш ташвишлари билан бўлиб, бола ёлғизланиб қолмоқда. Бекор қолган, меҳрга муҳтож, зериккан бола кўча таъсирида шундай ножоиз ишларга қўл уриб, жамоатчиликни хиҷолатга солмоқда.

Маълумки, ўсмирлик – шахс шаклланишидаги асосий даврдир. Бу давр айрим махсус психологик адабиётларда «ўтиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби номлар билан аталади. Шу давр бўшлиққа дучор бўлмоқда.

Ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва шу қабиларнинг мазмун моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир ҳаётида унинг руҳияти, организмнинг физиологик ҳолатларида, унинг ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади.

Ўсмирлар турли хил қоида ва чекловларга қаршилик кўрсатишади, шуни ҳам инобатга олинг ва ҳар бир вазиятни имкон қадар меҳр ва сабот билан тушунтиринг.

Бирор нарсага изох бермай, тақиқлайверманг. Аввал «нима учун?» деган саволга жавоб беришингиз керак. Акс ҳолда, фарзандингизнинг дўсти сиз эмас, балки кўчадаги ошна-оғайнилари бўлиб қолади. Маслаҳатни қанда қилмай, ҳаёт йўлини ҳам ана ўшалар кўрсатиб туришади.

Ш у н и н г учун кераксиз дўстлар ўрнига ўзингиз дўст бўлиб, зарарли одатлар ўрнини фойдалилари билан алмаштиринг.

Ҳар бир ўсмир мустақил қарор қабул қилишда ўзини етарлича оқил ва доно, деб ҳисоблайди. Тўғри йўлга солиш эса, сизнинг ота-оналик иқтидорингизга боғлиқ.

Масалан, хонадонингизга бирор ўзгартиришлар киритмоқчисиз, меҳмон



чақирмоқчисиз, таъмирлаш ёки ободонлаштириш ишларини режалаштиргансиз, бу борада фарзандингиз фикрини сўранг ва албатта, уни инобатга олинг. Шунда фарзандингиз, унинг фикри-ю, маслаҳатларига ҳурмат билан қарашингизни кўриб, ўзини оиланинг ажралмас бўлаги, деб ҳисоблайди.

Иложи бўлса, мактабдан бўш вақтларида иш эгалари ва тадбиркорларга шогирдликка бериб назорат қилиб турунг. Турли тўғарак, курс ва спорт билан банд қилинг. Унинг бўш вақтини назоратсиз қолдирмаслик керак.

Китоблар, мақолалар ва бадий адабиётларни фарзандларингиз билан ўқинг. Мана ҳозир сериаллар намойиш этилмоқда. Бу сериалларга нуқул салбий муносабатларда бўлавермай, юқори синфда ўқийдиган фарзандларингиз билан қиёсий муҳокама қилинг.

Ўзингизни қизиқтирган сўзларни луғатдан кўчириб, дафтарларга ёзиб чиқинг. Болаларга берилган топшириқларни ҳаммаша ўзингиз билан олиб юринг. Чунки бўш вақтларда унга қараб, сўзларни эсга олиш, ёдлагиш мумкин.

Фарзандларингиз билан ишингиз самарали бўлишини истасангиз, бирданга кўп сўзни ёдлашга киришманг. Бошида кунига 7-8 та сўз кифоя. Кейинроқ қанча сўзни ўзлаштиришга қурбингиз етиши ўз-ўзидан ойдинлашади. Ўрганилган сўзларни амалда қўллаб кўринг. Шунда улар фарзандларингиз хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир оиласида мактаб ёшидаги болалар бор. Бува ва бувилар, ёш ота-оналар бор. Намунали болалар ҳам, тартибсиз, ташвиш келтираётган ёшлар ҳам четдан эмас, балки ўзимизнинг орамиздаги оилалардан келиб чиқмоқда. Оилада тарбия ишини тўғри режалаштириб, болаларни ўзимизга сирдош тутсак, шунинг ўзи етарли.

**Бахтиёр КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
халқ ўқитувчиси

# ТАЪЛИМ БОЛА ТИЛИДА БЎЛИШИ ЗАРУР

« Болаларга ҳар қандай нарсани тушунтириш, уқтириш мумкин. Лекин бунинг уддасидан чиқа олишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Мен бу гапларни болалигимда онамдан эшитиб катта бўлганман. Онам тажрибали ўқитувчилардан эди. Ҳозир нафақада. Узоқ йиллар олий тоифали ўқитувчи сифатида фаолият юритган. Амакиларим ҳам ўқитувчилик қилишган. Мен оиламиздаги шундай муҳит таъсирида албатта ўқитувчи бўлишим керак, деб ҳисоблаганман.

Ҳозир халқ таълимида ишлаётганимга қарийб қирк йил бўлди. Тажриба амалиётимда жуда кўп болаларни кўрдим. Улар орасида, табиийки, ҳар хил оилада, турлича тарбия кўрганлари бор. Айримлар шунчаки ўйинқароқ бўлса, баъзилари сал эркатой ё бебошроқ бўлади. Ўқитувчининг вазифаси ҳаммининг қалбига бирдай кириб бора олиш. Ўқувчига яқинлашиш, унинг меҳрини, ҳурматини қозониш. Шундагина ўқувчи сизга қулоқ солади. Гапингизга қиради. Бу нафақат ўқитувчи, балки ота-она учун

ҳам тегишли қоида. Акс ҳолда, боланинг таълим-тарбияси ўз ҳолича қолиб кетади.

Узоқ йиллардан бери таълим соҳасида фаолият юритаётган бир педагог сифатида шуни айтишим мумкинки, болага ўз тилида гапирилса, унга ҳамма нарсани тушунтириш мумкин. Бирон нарсани бола қабул қила оладиган шаклда етказиб беролсак, бола албатта қизиқиб ўрганади.

Математикани кўпчилик жуда мураккаб ва ўзлаштирилиши қийин фан деб ўйлайди. Айниқса, мактаб ўқувчиси математика дарсига кўникиб кетиши сал қийин кечади. Шундай вақтда ўқитувчининг маҳорати ва малакаси катта аҳамиятга эга. Дарсларни ҳаётий мисоллар билан ёки бироз қизиқарлироқ тарзда, ўйин шаклида ташкил қилиш мумкин. Бунда ўқув-



чи бевосита ўзи ўрганаётган мавзунинг ичида бўлади. У ердаги ҳисоб-китоблар бевосита ўзига тегишли эканини ҳис қилади. Дарснинг шунчаки нофаол тингловчиси ёки кузатувчиси бўлиб қолмайди. Фаол иштирокчига айланади. Агар катталар болани ана шунга йўналтира олса, таълим-тарбияда муваффақиятга эришиш мумкин.

Мана, ҳозир Учинчи Ренессанс даврини бошлаймиз деяпмиз. Бу жараён, шубҳасизки,

фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Бунда болаларнинг аниқ фанларга бўлган қизиқиши ва ўзлаштириш даражаси жуда муҳим. Бугунги куннинг энг муҳим талаби бу. Ҳатто олий ўқув юртларига қабул қилишда ҳам математика мажбурий фанлар сирасига киритилмоқда. Яъни аниқ фанларга бўлган эътибор янада кучайтириляпти. Аниқ фанлар ривожисиз бугунимизни тасаввур қила олмаймиз. Барча техник ихтиролар аниқ фанлар билан боғлиқ. Шундай бир ҳолатда ҳар бир болага нафақат мактабда, балки оиладанок аниқ фанларга бўлган қизиқиш уйғота олишимиз зарур. Шуниси муҳимки, болаликданок фанга нисбатан меҳр ё қизиқиш уйғота олсак кина фарзандларимиздан катта марраларни умид қила оламиз.

Бола учун энг муҳим нарса бу – тарбияда уни биринчи навбатда мантикий фикрлашга ундаш ҳисобланади. Бу ҳолат математик тафаккур учун асос бўлади. Боланинг ақлий салоҳиятини юксалтиради. Бу жараён ҳам аввало оилада бошланиши, кейинчалик боғча ва мактабда изчил давом эттирилиши керак. Оила ва ундан кейинги таълим тизимлари

ўртасидаги ҳамкорлик мана шу нуқтада яққол кўринади. Агар боланинг мазкур хусусиятини ривожлантиришга ота-онада хоҳиш-иштиёқ бўлмаса, боланинг ақлий қобилиятидаги ўсиш анча қийин кечади.

Яна айрим ота-оналар мактабда ўқитилаётган фанларга боланинг иштиёқини билиб-билмай сўндириб қўяди. Бунда ўқувчида мактаб таълимига ишончсизлик пайдо бўлади. Бу эса, ўқувчининг нафақат ўзлаштиришига, балки руҳий-тарбиявий оламига ҳам жиддий таъсир ўтказади. Болада аввало таълим-тарбия жараёнига мустаҳкам ишонч бўлиши зарур. Агар шу ишонч бўлмаса, унга сарфланадиган таълимнинг ҳам, тарбиянинг ҳам самарадорлиги жуда пастлигича қолиб кетаверади.

Энг муҳими, бола таълимдаги ҳар бир назарий тушунча, қонуният ва қоидаларни ўз ҳаётида қай даражада аҳамиятга эга эканини билишни истади. Агар ўқитувчи унга муносиб жавоб бера олмаса, ўқувчида таълимга бўлган қизиқиш сустайиб бораверади. Ҳар бир боланинг ўз саволлари бор. Ўша саволларга жавоб топа олса, таълим-тарбияда илгарилаб бораверади.

**Дилфуза МИРДАДАЕВА,**  
ўқитувчи

# «КЎП БОЛАЛИ» ЛУТФИХОН АЯ

Лутфихон ёшлигидан санъатни севар, берилиб рақсга тушар, халқ кўшиқларини меҳр ва ихлос билан, кўзларида ёш милтиллаб куйлар эди. Ёш қизнинг юрагида дард борлигидан кўшиқлари маҳзун. Ягона дардкаши – акаси. У куйлаганда акасининг юраги ҳаприқар, кўзларига ёш келарди. Ўн тўрт ёшга тўлиб-тўлмаган қизга совчилар кела бошлади.

Лутфихон Тожизода исмли йигитга турмушга чиқди. Чиройли, нафис ва нозик дидли келин янги хонадонда илиқ кутиб олинган бўлса-да, ҳадемай унинг санъатга ошuftалиги ошкор бўлди-ю, вазият ўзгарди. Хиргойи қиларкан, эри кириб келди. Ажабланиб:

– Ҳали сен яллагимисан? – кўзларига тик боқди.

– Йўк, мен шунчаки... – довдираб қолди Лутфихон.

– Ҳеч ким эшитмайди, деб ўйлама. Деворнинг ҳам қулоғи бор! Сен номусли оила келинисан, шуни унутма...

Лекин бир куни Лутфихоннинг юрагида яна нимадир тўлиб-тошди-ю...

– Ўчир! – деди тўсатдан пайдо бўлган куёв. – Мен сенга нима дегандим? Ашула айтпасанми яна? – у ғазабдан титрар, жазаваси ақдан озиш даражасида кўтариларди.

Куёв келинни қаттиқ жазолади. Келиннинг акаси бунга чидолмай уйига келди-да:

– Гуноҳи нима? – сўради куёвдан. – Ўзига-ўзи дардлашгани – хиргойи қилганими?

– Ашула-пашула кетмайди бу уйда, – деди Тожизода. – Неча марта тушунтирай? Бўлди! Олиб кетинг!

– Олиб кетгани келгандим ўзимам.

– Яхши. Кўшиқчиларнинг алоҳида жойи бўлади. Биларсиз?! Олиб боринг-да, топшинг.

– Нима?!.

Келиннинг акаси ўзини тутолмади. Куёвнинг юзига тарсаки тушурди-ю:

– Нима қилишимни биламан, – деди титраб-қакшаб.

У келин бўлиб келинлик гаштини сурмаган юраги кемтик синглисини уйига олиб кетди. Замон оғир эди. Қаҳатчилик... Лутфихон бир куни:

– Акажон, Кўқонда хотин-қизлар клу-

би очилибди. Ҳар хил тўгараклари бор экан. Борсам, хунар ўргансам... – деган эди, ўйлаб ўтирмай:

– Йўк, – рад этди акаси. – Шундоқ ҳам беш бармоғинг хунар.

Лутфи ерга қараган эди, акаси, ёдига нимадир тушгандай бўлиб:

– Ҳой, менга қара, – овозини кўтарди, – акамга «юкман» деган бўлмағур хаёлда эмасмисан мабодо?

Унинг елкасидан кучаркан:



– Рухсат беринг, илтимос, – зорланди Лутфихон. – Шундай қилмасам бўлмайди, ака!

Кўзлар тўқнашди. Дард ва алам бор эди Лутфининг нигоҳида. Кучли оғрик. Ва яна қудратли истак. Ҳар қандай тўғаноқни йўлидан супуриб-сидиришга кодир бир истак!

Лутфихон акасининг розилиги билан она қишлоғи Риштонни тарк этиб, Кўқонга йўл олди. У мўлжаллаган хотин-қизлар клуби шаҳарнинг Тароқчилик маҳалласида жойлашган экан. Қидириб топди.

Лутфихон Қамбар опа деган меҳри-

дарё аёлнинг уйида яшади. У билан она-бола тутинди. Тикувчиликдан ташқари мусика, хор ва рақс тўгараклари ҳам бор эди клубнинг. Санъатга ошuftа вужуд зим-зиё кулбадан ёруғ дунёга, мусаффо ҳавога чиққандай эди. «Истаганингча куйла, рақсга туш, ўзингни намоён эт!» Бу орзулар рўёбининг бошланиши эди...

Лутфихоним Саримсоқова кейинчалик Андижон (1928-1931) ва Марғилон (1931-1934) театрларида фаолият юритди. 1939 йили Ўзбекистон давлат филармонияси қошида дуторчи қизлар ансамбли ташкил этилган, Лутфихоним икки йил шу ансамблнинг бадиий раҳбари бўлди. Сўнгра Муқимий театрига ишга ўтди. Бу муборак санъат даргоҳида

этиларкан, Лутфихоним Саримсоқова яратган бетакрор образлар бугунги кунда ҳам бежиз меҳрибон онажонларимиз тимсоли бўлиб қолмаётганини англаймиз. Она – ҳар даврда она!

Театрдаги шогирдлари уни аяжон деб чақиришарди. Аяжон уларнинг фарзандларига ҳам меҳр берар, оналик қиларди. Қирқ кунлик Азимжонимни аяга ташлаб ўзим гастролга кетганман, деб хотирлаган эди актриса Фароғат Раҳматова.

Лутфихонимнинг ёқимли овози бор эди. Эл хонишларини юраги сел бўлиб, кўзларида ёш билан тингларди. Қадрдонларининг яхши кунларида эса «Ёр-ёр», «Жамбилхон», «Қилпиллама» каби халқ кўшиқларини ижро этаркан, давра жонланар, тўйхонада ўзгача файз ёйиларди.

Лутфихоним Саримсоқова Тожизодадан фарзанд кўрмади. Ёши бир жойга боргач, болалар уйдан рус миллатига мансуб бир қизни фарзандликка олиб, Хужум деб исм қўйди. Кейинчалик «Ғунча» кинотеатри орқасидаги мўъжазгина ҳовлида ягона қизи Хужумнинг шукрини қилиб яшар, қизалоғининг борлигига ғам-қайғу хужумига қалқон бўларди. «Аяжон!» деб эшигидан кириб келганларида эса қалби энтикар, «кўп болали бахтиёр она» эканлигидан боши қўкка етарди.

Дардинг бўлса дарёга айт, деган нақл бор. Ҳа, дарё ҳеч кимга сиригини чиқармайди. Лекин у тинглайди, холос. Маслаҳат бера олмайди. Лутфихонимдай қалби дарё эса...

Онасини қаттиқ соғинган ҳам уни йўқлаб келар, кучоғида онажонининг исини туяр эди. Юраги эзилган кишида баъзан болаликка қайтиш, мурғак вужуддай она бағрида алла эшитиб ором олиш истаги туғиларкан.

– Онажон, алла айтинг! – дер эди қалби мажруҳлар Лутфихонимнинг елкасига бош қўйиб. Ва у, бўйи бўйига баробар «боласи»нинг бошини силаганча унинг хоҳишини бажо келтирар, ширин-ширин аллаларида оназор қалбининг орзу-ниятлари, армону умидлари янграр эди.

Муҳаммад ШОДИЙ

## ДИЛСЎЗ

### УСТОЗНИНГ БОЙЛИГИ

Ираида УШАКОВА,  
тажрибали педагог:

– Ўқитувчи сифатидаги меҳнат фаолиятимга қирқ йилдан ошди. Шу давр ичида миллионлаб ўқувчиларга дарс берганим, минглаб шогирдларга устозлик қилганим менинг ҳақиқий бахтим, деб айта оламан. Шогирдларим ҳозир қатта-қатта ташкилотларда ишлашади. Улар орасида хорижда ишлаётганлари ҳам бор. Уларнинг муваффақиятини кўрганимда устоз сифатида чинакамига хурсанд бўламан. Улар ҳаётда ўз йўлини топиб кетишига озми-кўпми ҳиссам қўшилганидан бахтиёрман. Ҳаётимдаги мана шу хурсандчилик мени мактабга, ўқитувчилик фаолиятига боғлаб туради.

Инсоннинг оиладаги бахти тўқис бўлса, жамиятда, ишхонада ҳам хотиржам меҳнат қила олади. Оиладан кўнглим тўқ. Мана шу жиҳат мени таълим билан бемалол шугулланишим учун асосий сабаб деб биламан. Инсон қилаётган ишидан хузур топса, ундан воз кечолмас экан. Мана, мен ҳаётимни иш фаолиятимсиз тасаввур қилолмайман. Болаларга таълим беришнинг ўзига яраша завқи бор. Бу нарса одамни ҳамини меҳнат қилишга ундаб туради. Ҳаётнинг гўзаллиги ҳам, менимча, шунда бўлса керак.

Оилада ўз фарзандларимни ҳам имкон қадар ўқитиб, олий маълумотли, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши учун ҳаракат қилганман. Бу интилишларим кутилган натижани берди, деб бемалол айта оламан. Қизим шифокор, ўғлим дастурчи-муҳандис бўлиб ишлапти. Энг муҳими, улар ўз ишидан, ҳаётдан мамнун ва бунинг учун менга доим миннатдорлик билдиришади.

## ОДАМЛАР ОРАСИДА

Қасб байрамимиз арафасида телевидениега суҳбатга таклиф қилишди. Бордим. Кўрсатув бошловчисининг соҳамизга доир саволларига қурбим етганича жавоб бердим.

Эртаси эрталаб мулоқотимиз эфирга узатилди. Уни кўпчилик ҳамкасбларимиз ҳам кўришган экан. Ишхонага келишим биланок табриклашди. Айниқса, узок йиллардан буён ёнма-ён хонада бирга ишлаб келаётган, ўзини сал каттароқ тутадиган бўлим муҳаррири оғзидан бол томиб гапирди:

– Аммо-лекин қойилман, жўра! Барчамизнинг кўнглимиздаги гапларни рўй-рост айтдингиз. Журналистикамиз муаммолари сабабларини аниқ далиллар асосида исботлаб бердингиз. Маладес, офарин сизга!

У қўлимни қайта-қайта қисиб, хонамдан чиқиб кетди. Худди шу пайт тўрт ойча бурун сафимизга қўшилган ёш ходимимиз менга юзланди:

– Устоз, шу акамиз сал иккиюзламачироқми дейман?

– Нега? – ажабланиб унга тикилдим.

– Негаки, боя – сиз келишингиздан сал олдинроқ даҳлизда туриб олиб, мутлақо тескарисини айтувди. «Телевизорга чиқиш учун шундан бошқа одам қуриб кетганми? У на бош муҳаррир, на бўлим мудир, бор-йўғи оддий муҳбир бўлса, бутун журналистлар номидан гапирингиз қандай ҳақи бор?» деяётган эди. Энди эса...

Бу «хабар»ни эшитиб, хафа бўлиб кетдим. Йўк, шусиз ҳам феъл-атворини ўзим яхши биладиган нариги ҳамкасбимдан эмас, унинг гапини оқизмай-томизмай менга етказиб, суюнчи олмоқчи бўлган ёш ходимимиздан...

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

## «СУЮНЧИ»



# ТУПРОҚ ТАФТИНИ

«  
Аслида қадимий Бухоро ҳақида, бу афсонавор ва қадим заминнинг бой тарихи, қўли қадоқ, кўнгли оқ одамларининг ноёб фазилат ва сифатга эгалиги, мард ва вафодорлиги, ташаббускор ва изланувчанлиги ҳақида кўпдан-кўп ижобий фикрлар айтиш мумкин. Бухоро элининг ўзига хос салоҳияти, олижаноб фазилатлари юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги дадил ҳаракатларида яққол намоён бўлмоқда.

## «Безанган гулшану гулбоғлар гўзал»

Дарҳақиқат, бу кўҳна замин осойишталиги, дала-туз узра эсаётган майин ёқимли шабада, узок-узокларда ястаниб ётган тоғ тизмаларининг мафтункор, кўркаманзаралари, шарқираган каналлар бўйида тебранаётган турфараңг гуллар беихтиёр, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибий домланинг аллақачонлар эл-улус орасида машҳур бўлиб кетган

**Сабо, келтир хабар қишлоқларимдан, Безанган гулшану гулбоғларимдан...**

деган мисраларини ёдга солиб юборадим. Мовий осмон, ёрқин куёш, яшил барғлар, гўзал гуллар, сайроқи кушлар, гулбарг монанд капалаклар сероб Бухоронинг ҳар гўшасида. Меҳнат ва ютуқлар шу жонфидо элнинг тинимсиз саъй-ҳаракати, юртпарвар ва меҳнатсеварлиги туфайли қўлга киритилмоқда.

Бухородаги аксар ҳудудлар чўлга яқин манзилларда қўним топган. Экин-тикин етиштириладиган ер майдонлари сунъий иншоотлар – Амударё сувини бир неча юз метр баланда кўтариб берадиган насос станциялари ва сон-саноксиз каналу ариқлар орқали оби ҳаёт билан қондирилади. Аслида бу ишлар ўз вақтида «табиатни бўйсиндириш, инсон куч-қувватининг бетимсол ғалабаси» сифатида баҳоланиб кўкларга кўтарилган эди. Буни қаранг, бугунга келиб эса ўша «мағлуб табиат» ўз ҳукмини ўтказмоқда. Ерлар тобора шўрланиб, ҳосил салмоғига жиддий таъсир этяпти. Яхшиям, бу сингари дарднинг, балонинг олди олинмаган бўлди. Шу мақсадда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ракобатбардошлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги «Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан «Ромитандавсувмахсусуwpудрат» давлат унитар корхонаси ташкил этилди ҳамда шу сингари бошқа турдош корхоналарнинг келажақда бажариши лозим бўлган ишлар кўрсатиб берилди.

«Ромитанмахсусуwpудрат» масъулияти чекланган жамиятида янги йил бошидан оқ ишчан ва кўтаринки кайфият ҳукм сура бошлади. Ҳамма барча имкониятларни ишга солиб, сидқидилдан хизмат қилмоқда. Ўз ҳаётини шу замин тақдири билан узвий боғлаган одамлар «яқши ният ярим давлат», деган халқ нақлини бир зумга бўлса-да ҳаёлидан фаромуш этгани йўқ. Сув таъминотидаги ноҳолислик, таниш-би-



лишчилик, ошна-оғайнигарчилик эса ишнинг белига тепиб, орқага кетишига сабаб бўлиши аниқ. Айрим деҳқонлар экинни кўллатиб, бостириб суғорган ҳолда, бошқасининг ҳов олисдаги дала-сига ҳатто, сув етиб ҳам бормади. Ёки биров келаси йил учун ҳам мўмайгина миқдорда сув олишни келишиб қўйган, бошқасининг иши эса ўлда-жўлда, чала қолиб кетмоқда.

Иқлими нобарқарор, тупроғи оғир, гоҳ-гоҳида сув тақчиллиги сезилиб турадиган Бухоро воҳаси деҳқонлари учун ўтган йилги мавсум анча баракали келди. Қуёшнинг ҳароратли кунлари бисёр, сув эса керагидан мўл бўлди. Фақатгина апрель ойининг охирида вилоятнинг Олот, Қорақўл, Жондор, Ромитан, Пешкў сингари ҳудудларида рўй берган кучли шамолни, довулни ҳисобга олмаганда. Табиий офат бошқа соҳалар сингари қишлоқ хўжалигига ҳам мислсиз зарар келтирди. Аммо матонатли, чидамли воҳа аҳли жипслик ва оғизбирчилик килиб қисқа вақт ичида бу офатни бартараф этди. Аслида деҳқончиликнинг қайси соҳасини олманг, ҳосилдорликни ошириш учун ернинг шўри ювилмаса, зах, сизот сувлари қочирилмаса кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди. Нафсиламбирни айтганда, гўза ҳам, ғалла ҳам, маккажўхори, боғ ва полиз экинлари ҳам ернинг шўри ювилганидан кейин эркин нафас олади. Ҳамроҳим «Ромитанмахсусуwpудрат» масъулияти чекланган жамияти директори Аскар Саидов буни далиллар, ёрқин мисоллар билан лўнда ва аниқ килиб тушунтириб берди.

– Ҳозир гапнинг нишаби ерларнинг тинка-мадорини қуриштириб, уни обдон ҳолдан тойдирган зах, шўр, сизот сувлар хусусида бор-япти, – дейди «Ромитанмахсусуwpудрат» масъулияти чекланган жамияти директори, тажрибали ирригатор Аскар Саидов. – Офатнинг олдини олишга жоним-отим киришилди. Буни рақамларда айтадиган бўлсак,



жамият аъзолари то шу кунгача ўн минг гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, ўнглашда фаол иштирок этиб, 70 миллиард сўмлик ишни уddалади. Биргина ўтган 2020 йилнинг ўзида 7 миллиард 400 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жорий йилда эса бу миқдор камида 12-15 миллиард сўмга етказилади. Мақсадимиз ягона – у ҳам бўлса, томорка эгалари ва фермерларга ўз экин ерларидан мўл ва баракали ҳосил яратишига қулай шароит яратиб бериш. Зиммамизга ана шундай масъулиятли ва шарафли юмуш юклатилганини бир дам ҳам эсдан чиқаришга ҳақимиз йўқ.

Сўнгги вақтларда каналларнинг беркилиб қолган жойлари кўзини очиш – тозалаш, коллектор-дренажлар олиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўнглаш бўйича кенг кўламли ишларга дадил қўл урилганлиги деҳқонларга катта ғамхўрликдан далолатдир. Ромитан туманининг гулу гулзорларга бурканган оромижон қишлоқлари чек-чегарасиз, адоқсиз Қизилкум саҳросига яқин манзилларда кўр тўкиб туради. Бу жойларнинг об-ҳавоси мўтадил бўлгани, ғир-ғир шамол эсиб тургани, қўли қадоқ қишлоқ одамлари табиий шароитда, ота-боболари тутумидан келиб чиқиб деҳқончилик юмушлари билан андармон бўлишмоқда. Кимдир ерга бугдой уруғи сепади, ундан мўл ғалла хирмони яратади, бошқа бири эса картошка ёки сабзавот етиштириб, ноз-неъматларни сероб қилишга баҳоли қудрат ҳисса қўшади, боғдорчилик юмушлари билан шуғулланиб аҳоли дастурхонини сархил мевалар билан тўлатади. Яна кимдир чорвачилик орқасидан рўзорида барака киритади.

Яна жамоа фаолиятига тўхталсак. «Ромитанмахсусуwpудрат» масъулияти чекланган жамияти Ромитан, Пешкў, Жондор, Ёждувон, Шофиркон туманида давлат дастури асосида қуриладиган ирригация, мелиорация ва коллектор дренаж тармоқларида таъ-



мирлаш-тиклаш ишларини бажаришга ихтисослашган. Вилоятнинг барча ҳудудида бажариладиган ишлар мамлакатимиз ҳукумати ҳузуридаги Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди ҳамда «Бухоросувқурилиш инвест» давлат унитар корхонаси томонидан молиялаштириб берилади. Мазкур иш ўз вақтида амалга ошириладигани сабабли, белгиланган барча ҳудудда кўзда тутилган юмушларга аллақачон киришилди.

– Халқимизда «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деган тағилдизи мустаҳкам нақл бор. Шунинг учун ҳам бугунги кунда энг оғир ишлар

техникалар гарданида, – дейди «Ромитанмахсусуwpудрат» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Махмуд Махмудов. – Техника паркимиз йилдан-йилга замонавий, иш унуми юқори уловлар ҳисобига тўлдириб борилмоқда. Айни маҳалда ўн олтига экскаватор, тўртта бульдозер, битта автокран, иккита автоғаргич, битта «MAN» тиркама (траллер), учта ғилдиракли трактор, ўн бешта дала вағони, битта техник ёрдам кўрсатиш автомашинаси кучидан унум билан фойдаланилмоқда. Уларни ёш, серғайрат йигитлар моҳирлик ва чапдаслик билан бошқариб келмоқда. Яқин вақт ичида яна қатор янги техникалар келтириш кўзда тутилган.

Жамиятда тер тўкаётган юз нафар ишчининг рўзгорига қут-барака киритиш ниятида 20 сотих ерда иссиқхона, беш сотихли мевали боғ, икки сотихча келадиган жойда балиқ етиштириладиган ҳовуз ташкил этилган эди. Буни қаранг, етиштириладиган ноз-неъмат ва лукмаи ҳалол ишчилар дастурхонини безамоқда. Айниқса, иссиқхонадаги манзара одам қалбини ажойиб ҳисларга ошно этади.

Айтганча, жамият аъзолари ободончилик ва «Обод қишлоқ» лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган эзгу ташаббуслардан ҳам четда эмас. Улар имкон қадар ўзлари туғилиб ўсган гўшасини кўркаманзилга айланттириш ҳаракатида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилмоқда.

## Меҳр кўрган замин яшнайдим

«Замин шифокор»лари меҳнати ҳам табиблар заҳматидан кам эмас. Зеро, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашмасдан, унинг қонини сўраётган шўр, зах, сизот сувлардан халос этмасдан, соғломлаштирмасдан туриб юқори ҳосилдорликни орзу ҳам қилиб бўлмайди. Айниқса, Бухоронинг шўрхоқ ва шўртоб ер майдонларида бу тадбирлар янада муҳим аҳамият касб этади.

...Бобо куёш тиккага кўтарилиб, кучсиз нурларини ҳамма ёққа баравар ёйиб, иссиқ ҳарорат улашаётганича канал соҳилидан саҳро этакларигача ястаниб ётган Ромитан тумани бошқа ҳудудларга нисбатан хийла салқин. Уч-тўртта шериги алланарсани баҳона қилиб жуфтани ростлади. Кенг ва бепоён далада Аскар аканинг ўзи ёлғиз қолди. Аммо анчагача у жойдан жилмасдан қоққан қозикдек тик туриб қолди. Бундоқ бошидан дўпписини олиб қараса, қанчадан-қанча ишларни у ҳали тузук билмас экан, қанча нарсани ҳали ўрганиши, мушоҳада қилиши керак экан. Умуман олганда, катта жамоага бошлиқ бўлиб, у тўғри қилдимми? Бу савол унинг ҳаёли пучмоқларидан ўтди ва чуқур ўйга толди. Бироқ қанча ўйла-масин, ҳаёлга толмасин, чекинишга энди ўрин йўқ эди. Одамлар унга катта ишонч билан қарашади, ишни оби-тобида, маромида уddалайди деб умид қилишади. Шу боис ҳам қийинчилик ва мушкулликларга чидаб, билмаганини уялмасдан сўраб ишлашинг керак. Тунни тун, кунни кун демай ишлаш керак. Тажриба меҳнат билан келади. Албатта, иш бор жойда камчилик бўлиши ҳам табиий. Ким ҳам бирданига тажрибали, ҳамма нарсани ипидан игна-сигача билладиган мутахассис бўлиши мумкин?! Вақт ўтиши билан у кўп нарсанинг тағига этади, маълумоти, билим даражаси

# ТУЙГАН ОДАМЛАР

ортади, худудлар жойлашган ерларни миридан-сиригача аста-секинлик билан билиб олаверади...

Қаёқдандир пайдо бўлиб қолган жамият ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Махмуд Махмудовнинг овози Аскар аканинг хаёлини бўлди. Аслида у бироз аввал келиб, раҳбарининг хаёлларини бўлгиси келмай кутиб турган эди.



– Аскар ака, кечирасиз? Бугун то тушликка қадар нима қилиб бўлса-да экскаватор ҳамда бульдозерлар ишлаган канал ёқасига ёқилги ҳамда зарур эҳтиёт қисмларни етказишимиз шарт. Акс ҳолда иш тўхтаб, йигитлар қўли бўш қолиши мумкин. Экскаваторчилар хабар юборган экан...

– Шунақами, ҳозир ҳал этамиз-да... Шундай деб Аскар ака қўлидаги телефонида рақамларни терди. У томонда жавоб берган кишига ётиғи билан тусунтирди.

– Ана, иш пишиди. Ортикча ҳадик-ҳавотирга ўрин қолмади...

Шериғи шахд билан ўрнидан кўзгалди, кейин дадил қадам босиб юриб кетди. Аскар ака унинг ортидан тикилган куйи анча туриб қолди.

Шу маҳал аллақадан радио тўлқинларидан ажиб кўшиқ янгради.

**Айлаин қалбимни тортиқ,  
Нурли бўстони сенга.**

**Сен Ватандирсан, фидодир,  
Танда бу жоним сенга...**

Ҳар гал Аскар ака ушбу дилтортар кўшиқни тинглаганида қалби беихтиёр фахр-ифтихорга, ғурурга тўлади. Она юртимизнинг ҳусни-жамоли, сервикор тоғлари, жўшқин дарёлари, кенг далаю, кенгликлари кўз ўнгида намоён бўлади. Негаки, ватан туйғуси дунёдаги энг азиз ва мўътабар туйғулардан биридир. Дунёга келган гўдак бешиқдалигидаёқ она алласи билан Ватан ва яқинлари меҳрини ҳис эта бошлайди.

Дарвоқе, Ромитан замини етти пир қадамжоларидан ҳисобланган Кўрғон кишлоғидаги Хожа Али Ромитаний зиёратгоҳи ҳамда Самос кишлоғида Муҳаммад Бобойи Самосий қабри ва мақбараси мангу кўним топган манзиллардан бири. Али Ромитаний хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси. У Хожаи Азизон деган юксак номга лойиқ кўрилган. Унинг «Рисолаи Азизон» китоби турли тилларга таржима қилиниб, бутун дунёга тарқалган.

## Инсоннинг улуғлиги

Тугал бахтни фарзандлар қамоли, муваффақиятлари, оиламиз, ота-она, ака-укалар билан яхлит ҳолда тасаввур этадиган халқмиз. Ана шу халқона таъомилга жамиятнинг юз нафар ишчиси фаолиятида тўла-тўқис амал қилиб келинмоқда.

«Ромитанмахсуссупудрат» масъулияти чекланган жамиятнинг ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилаётган ишчиларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар уларнинг оиласигача етиб бормоқда. Мансур Назаров, Одил Боқиев, Содик Нейматов, Ислоҳ Жумаев, Ҳомид Бозоров сингари экскаватор, бульдозер ва трактор ҳайдовчилари билан суҳбатлашиб, уларнинг меҳрли нигоҳлари, эзгу амаллари ўзлари мароқ ва диққат билан сўзлаган ҳикояларига туташганига амин

бўлдим. Инсоннинг улуғлиги, ундаги ирода ва матонат, оқиллик ва азму қароридан оғишмасликка тан бермай илож йўқ.

## Катта чилла

«Ер – тириклик манбаи. Уни эъзозламоқ, кадрига етмоқ даркор. Сайёрамиздаги тупроқ-иклим шароитини таққослаганда, Ўзбекистон чин маънода жаннатмонанд ўлка эканига шубҳа йўқ. Заминимиз унумдор, ҳарорат оби-тобида, етарли. Ҳар қандай экин тезда амал олиб кўкаради. Болалигимда ерга меҳр-муҳаббати бўлакча бўлган бобом, қор остида дам олиб ётган шудгорга қўлидаги ҳассасини суқарди-да, менга чилла билан боғлиқ ҳикояни сўзлаб берган эди, – дейди Аскар Саидов. – Бобомнинг афсонага ўхшаш ҳикоялари қулоғимга хуш ёқарди. У ёғини айтиб ўтирмайин, ҳаммаси шундайгина кўз ўнгимда турибди. Катта чилла ўз чекига юклатилган машаққатли ва залворли вазифани адо этиб бўлганидан сўнг, кичик чиллани зудлик билан хузурга чорлар экан. Қара, бугун теваарак-атрофда қиш фасли ҳукмрон. Бу кезде қаҳратон забтига олиб, изғирин эсиб туриши лозим. Акс ҳолда, қиш қишга ўхшамай қолиши мумкин. Ўзи



дан ёши ҳамда тажрибаси катта бўлган катта чилладан етарлича топширик ва кўреатма оlingандан сўнг кичик чилла дарҳол ишга киришар экан. У тезда совуқ ва изғиринли ҳавони олиб келишга ошиқаркан. Буни қаранг, айнан шу ойга келиб «катта» қорлар, аёзли, этни жимирлатувчи изғиринлар, аёзлар кучайиши кўп бор кузатилган...»

Ҳа, деҳқончилик тақвимида Далв ойи 19 январдан 18 февралгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Аслида «далв» арабча сўз бўлиб, ўзбекчасига лўнда ва қисқа қилиб айтганда «қовға» деган маънони англатади. Айнан шу даврга келиб иш мавсуми, тадорик, тайёргарлик юмушлари бошланиб кетади. Бир учи кенг ва поёнсиз уфқларга қадар туташиб кетган дала, ёбонларга яхоб суви бериш, тупроқнинг шўрини ювиш, маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни, канал ва коллекторларни, дренаж тармоқларини тозалаш ҳамда бошқа юмушлар мана шу ойда авжга чиқади. Устига-устак механизаторлар экиш мавсумига жиддий тайёргарлик билан киришиш учун сошлаш, бутлаш ишларига қўл урадилар. Мевали боғларга шакл бериш ишларини тугаллашни боғбонлар ўз олдига мақсад қилиб олади. Сабаби дарахтлар уйғонадиган хут яқинлашмоқда. Табиат илиқликка, иссиқликка чунонам интиладики, асти қўяверасиз. Қолаверса, далвнинг учинчи ўн кунлигида қантар оғади. Халқ – доно, халқ – билгич. Айнан далв ойининг учинчи ўн кунлигида дала-қирлар, сабза ранг тусга киради.


Дарахтлар танасига сув югуради. Қор эриб, ер селкиган жойларда бойчечак юз кўрсатади. Очиғи, бу нишонлар фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг бошланишидан дарак.

## Теран илдишлар

Авлод-аждоқларимиз, томирларимиз ўта синчков ва кузатувчан бўлишган. Агар шундай бўлмаганида, улар қадимдан ўн икки ҳайвон номи билан аталувчи йиллар ҳисобини «мучал» тушунчасида мужассам этмаган бўларди. Улар ўн икки ёшга етган болаларга атаб, илк мучал тўйи маросимини ўтказишга ошиқилган.

Ўша кезларда ўн учга қадам қўйган бола ота-онаси қўлидан юмушини олиб, катталар қаторига қўшилган. Шунинг учун ушбу қадимги маросимни ҳанузга қадар халқ орасида катта шодиёна шаклида ўтказиб келиш урфга айланган.

«Мучал тўйим ҳовлимизда ўтказилганди. Кўй сўйилиб, дошқозонлар осилиб, турли таомлар тайёрлангани, яқинларимиз, қўни-қўшни, мучал ёши-



Реклама ўрнида

етти йил кирғоқчилик бўлади. Ромитандан банд босиб, Қорақўл томонга сув ўтказилмайди. Қорақўл халқига оғир бўлади. Устма-уст Амирга арз қилинганидан сўнггина, бир ариқ сув тушириб берилади. 1914-1917 йилларда Ромитан фарзанди Чориқулбой Зарафшон дарёси устига кўприк қурдилади. Ўша кезлари дарё мавж уриб, тўлиб оққан. Ҳашарчилар учун ҳар қуни мис қозонда эрталаб ширчой, пешинда палов, кечликка шўрва пиширилган, тандир-тандир нон ёпилган.

Бугунги кунда ўша Чориқулбой қурган кўприкнинг фақатгина бир қисмигина сақланиб қолган. Бу нодир иншоотни кўргани кўплаб саёҳлар ҳамон келиб туради.

## Юлдузлар ҳам қилар ҳавас

Сўлим ва хушхаво гўша – Амударё бўйидаги Қизилравот (Ромитан тумани марказидан 350-400 чақирим олисда) овули ҳамда Қизилкум кўриқхонасининг бетакрор табиати, кишини ўзига тартади. Азиз-авлиёларнинг табаррук излари қолган, фидойи фарзандлари, миришкор полизчилари, донгдор чўпонлари билан машҳур. Айниқса, катта сувлик бўйида жойлашган Қизилравот тилими тилни ёрадиган гуврак деб аталадиган қовуни билан воҳада ягона. Меҳнатқаш, овул одамларидаги ғайрат-шижоат, далалардаги кўтаринчилик, жўшқинлик, она заминнинг бемисл сарватидан, диллар чексиз завқ-шавққа тўлади.

Аскар Саидов юмушлари сабаб Қизилравотда тез-тез бўлиб қайтишига тўғри келади. Айнан шу ернинг ўзида туриб, пастликда оқаётган Амударёни кузатиш унинг жони-дили.

Ҳаво бирам тиник, очиқ. Устига-устак, одамга хуш ёқадиган даражада тоза, мусаффо. Нилий осмонда, уфқ ортга ўта олмасдан икки чўқки устида иккита оппоқ булут қокқан қозикдай серрайиб турарди. Дала адоғидаги бу ялангликдан қишлоқ ва боғ-роғлар яққол кўзга ташланади. Ўкириб, аллақандай тушунарсиз овоз чиқариб эсаётган шамол кенгликлар узра икки-уч маротаба чарх урар, намхуш бўлиб, куёш нурларининг тафтини қайтарар, тоза ҳавоси билан сувнинг майда зарраларини ҳам уфуриб, далада мўътадил иқлимни вужудга келтирарди. Шу маҳал кунботар томондан енгил совуқ шамол ўйноқлаб келди-да, Аму теварагидаги ўнқир-чўнқир адирсимон кенгликлар юзини ҳар томондан сийпалаб ўтди. Аскар акага бу ўйноқи насим ёқдими, устма-уст оғзини очиб, бир неча марта чуқур нафас олди. У бургутники каби ўткир кўзлари билан нилий осмонга ва катта-кичик қорамтир булутлар лашкарига тикилди. Бирданига уфқ шуъласида майдалаб ёғаётган ёмғир зарралари кўринди...

Улуғбек ЖУМАЕВ,  
«Оила даврасида» муҳбири

## Чориқулбой қурдирган кўприк

..Амир замонида Бухоро ерларини Зарафшон дарёси сув билан таъминлаган. Ўша кезлари Амударёнинг суви келади, ерларни, боғ-роғларни обод этади, деган гаплар одамларнинг етти ухлаб тушига кирмас эди. Қаторасига

## Ижтимоий тармоқлар оралаб...



Жасур Кенгбоев

16 ч. · 👤

## Одам

Йўллар четида, пана-пастқам жойларда ҳар қандай нарсага, дейлик, темирга: «Бу темирни ейиш мумкин эмас» деб ёзиб қўйилса, аниқ биламанки, уни тишлаб ё еб қўрмоқчи бўладиган одамлар албатта топилади.

Электр симига бунга «тил теккизиш мумкинмас» деб ёзиб, 250 вольтлик ток улаб қўйинг, уни кимдир тишлаб қўради...

Одам – ана шундай зот.



Nuriddin Ziyo Turaqulov

4 ч. · 🌐

## Қуллик...

Биз пул учун ўзимизни қулликка топширдик. Ҳеч бир ҳужжат сўралмади. Ўзимизнинг ҳар қандай сирли фикр ва ҳужжатларимизни қўш қўллаб топширдик! Ўз ноғорасига ўйнаётган ИНТЕРНЕТ номли хўжайин бизга ҳеч қандай ҳаловат бермади.

«Ишла қўзингдан, нон-чай ўзингдан», деб қулларни ишлатишда давом этмоқда. Биз жуда ахил ва иноқ қуллар бўлиб етишмоқдамиз.



Барно Султанова

22 февраль, 10:18 · 🌐

Халқ манфаатига  
ишлайдиган «счётчик»

Газга, чирокка, сувга ҳисоблагич ўрнатиш ва керак бўлса пеня ундириш, бир сўм қарз бўлиб қолсақ светсиз, газсиз қолдиришни биласизлар, йўлларга радар ўрнатиш, сурагга тушириб пул ишлаш йўлларини пишиқ пухта ишлаб чиқасизлар, гап йўқ. Шу энди бир ўнқир-чўнқир, таъмирталаб йўллар, кўчалардан юрадиган машиналарга ҳам қанақадир, счётчик яъни ҳисоблагич ўрнатиб қўйсаларингиз. Ўша ўнқир-чўнқирларни, талабга жавоб бермайдиган йўлларни деб халокатга учраётгани ёки машина муддатидан олдин таъмирталаб бўлиб қолаётгани учун йўлакто, маҳалла, ҳокимият халққа жарима тўласа, машинани текинга тузатиб бериш усулларини ўйлаб топса...

Яна бир гап. Йўлларнинг торлиги туфайли, бугунги кун талабига жавоб бермаётгани учун пробка, яъни тирбандликларда туриб қолган ҳар бир дақиқамиз учун, худди газ ва свет ишлатган ҳар бир дақиқамиз учун биз пул тўлагандек, масъул раҳбарлар бизга пул тўласа, яъни бизни машинамизга бир счётчик ихтиро қилиниб ўрнатилса, худди газ ва светга пул ёзгандек ёзса ва керакли ташкилотлар биздан қарздор бўлиб қолса ва БИЗГА, яъни ХАЛҚқа пул тўласа, агар вақтида бизга пулни тўламаса, пеня ёзилса унияма тўлолмаса шундай тизим бўлсаки биз халқдан ўз навбатида газ ва свет учун қарздорлигимиз кечилса. Бу автоматик равишда, компьютер орқали амалга оширилса, шу таклифимни қўллаб-қувватлайсизларми?..



## СИЗТАН ИШОЗЧИ



Ўн икки ёшли ўғлим ёзда музқаймоқ таёқчаларини йиға бошлади. Ҳар куни музқаймоқ таёқчаларини ювиб, тозалаб қуёшда қуритади, бир қутичага тўплайди.

Бир куни қарасам, ўша таёқчалардан жажжи уй ва ҳовли ясабди. Худди эртақдаги уйларга ўхшайди. Жуда бежирим. Ўлчовда ҳам адашмаган, уйнинг том ва девор қисм томонлари тенг экан. Эринмасдан ҳовличадаги панжара ва уйнинг ҳар бир деталига ранг берди. Уймисан уй бўлди. Уйчанинг ҳажми чойнақдан каттароқ, қараган сари кўзинг қувнайди.

Бирок уйга келадиган жажжи

меҳмон болачалар қизиксиниб, унга шикаст еткази бошлади.

— Ўғлим, мактабингга олиб бора қол. Меҳнат устахонасига кўргазмага қўясан.

Айтганимни қилиб, олиб кетди. Лекин уйга қайтганида яна қайтариб олиб келди.

— Ие, нега қайтариб олиб келдинг?

— Ўқитувчимиз дарсга кел-



мадилар. Ўрнига келган ўқитувчи эса «ўзинг ясамагансан», деб ишонмади...

Биз ана шунақамиз. Ҳукмда жуда қаттиқмиз. Шундоқ ҳам бир мактабдан янги мактабга ўтиб, мослашишда қийналаётган ўғлимга бу ишонсизлик ёмон таъсир қилди...

<https://t.me/olamichra2121>

## УМРБОҚИЙ ҚЎШИҚЛАР

Фазлий

## ЭЙ САБО, КЕЛ БОҒ АРО

Эй сабо, кел боғ аро – кўрган тамошодин гапур,  
Сарв ила гулдин дема, ул сарви раънодин гапур.

Пиставу бодомдин дам урмагил, эй богбон,  
Ул лаби хандондин айтиб, чаими шаҳлодин гапур.

Топсанг, эй шайдо кўнгул, ногаҳ ани кўйига йўл,  
Ул пари оллида бу Мажнуни расводин гапур.

Ёр зулфидин гириҳ очмоқ ҳунардуру, эй насим,  
Нуктадонлар ичра бу мушкил муаммодин гапур.

Зухд таърифини қил зоҳидга бўлсанг ҳамнишин,  
Риндлар базмида соғар бирла мийнодин гапур.

Худнамоликдин муқаддардуру кўнгул, эй майфурууи,  
Урма дам ойинадин, жасми мусаффодин гапур.

Эй мударрис, ишқ дарсини рамузидир дақиқ,  
Мухтасар қил ушбу сўзни, “шарҳи Мулло”дин гапур.

Сўзла, эй Фазлий, Умар Султон шуқуҳи адлидин,  
Мен қачон айдим Скандар бирла Дорондин апуру.

## ИНТЕЛЛЕКТ

## ҲАЛОКАТ ҚУВОНЧИ

1912 йил 15 апрелда «Титаник» кемаси уммон остига гарқ бўлган. Йўловчиларнинг кўпчилиги ҳалок бўлганини эшитиб, бутун дунё ташвишга тушган. Аммо бу ҳодисани эшитган бир улуғ рус шоири «Яхшиям уммон бор!» дея ўз хушнудлигини билдирган экан.

**Савол:** бу билан шоир нимани назарда турган?

**Жавоблар келгуси ҳафтанинг чоршанба кунига-ча қабул қилинади.**

Электрон манзил: info@od-press.uz Telegram: (+998 97) 444-80-84

Газетамизнинг 2021 йил 18 февраль 7-сонида берилган саволнинг жавоби: **Туристтик фирма мистер Клайд олдиндан фақат биттагина қайтиш чиптасини сотиб олганини маълум қилади.**

*Саволга Самарқанд вилояти Пайариқ тумани «Янгиобод» МФЙдан журналист Элёр Холмуродов тўғри жавоб йўллади.*

## ПАЗАНДАЛИК

## ОЛМАЛИ ШТРУДЕЛ

**Масалликлар:**

**Хаамири учун:** 200 грамм ун, 1 дона тухум, 1 чой қошиқ 10 фоизли сирка, 2 ошқошиқ қаймоқли ўсимлик ёғи, 50 миллилитр илиқ сув, суртиш учун қаймоқли ўсимлик ёғи, устига сепиш учун шакар упаси.

**Начинкаси учун:**

100 грамм қаймоқли ўсимлик ёғи, 4 ошқошиқ талқон, 100 грамм майиз, 500 грамм нордон олма, 100 грамм ёнғоқ, 1 чойқошиқ долчин, 100 грамм шакар.



Хаамир тайёрлаймиз: чуқур идишда ун, тухум, сариёғ ва сиркани аралаштирамиз. Илиқ сув солиб, юмшоқ хаамир қорамиз. Хаамирни 5 дақиқа яхшилаб қорамиз. Хаамирни ёпишқок плёнка ёки салфетка билан ёпиб, хона ҳароратида 20-30 дақиқага тиндириб қўямиз. Хаамир яхши тинса, ёйилиши осон бўлади.

**Начинка тайёрлаймиз:** олмаларни пўстидан арчиб, ўртча бўлақларга бўламиз. Майизни иссиқ сувга 10 дақиқага солиб қўямиз. Сўнгра сувини тўкамиз. Товада сариёғни эритиб, майдаланган нонқоқ (*сахари*) соламиз ва 2 дақиқа аралаштириб турган ҳолда қовурамиз. Майиз, ёнғоқ, долчин ва шакарни талқон қовурилайётган товага солиб, аралаштирамиз. Олма солиб, аралаштирамиз ва 5 дақиқа олмалар сал юмшагунича қовурамиз.

Начинкани оловдан олиб, озроқ совутамиз. Хаамирни ёғланган стол устига қўйиб, ўқловда озроқ ёйиб, сўнгра эҳтиёткорлик билан қўлда ўртасидан бошлаб, ёнға тортамиз.

Сиз биринчи ёйган хаамирингиз 3-3,5 баравар катталашини керак. Хаамир устига начинка солиб, четларини эса очик қолдирамиз. Сўнгра четларини ичига қайирамиз. Энди штруделни эҳтиёткорлик билан рулет шаклида ўраб, пергамент қоғози билан қопланган газ печи патнисига жойлаштирамиз. Устига эритилган сариёғ суртиб, устини зарқоғоз билан ёпамиз ва 200 даражада қиздирилган газ печига 15 дақиқа қўямиз. Сўнгра зарқоғозни олиб, яна 20-25 дақиқа пиширамиз. Тайёр штруделни озроқ совутиб, шакар упаси сепамиз.

Ёқимли иштаҳа!

Ситора ОМОНОВА

## МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

## Бош муҳаррир

Ҳуснидин  
БЕРДИЕВ

## Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-227  
ISSN 2181-6190  
Обуна индекси — 193  
Адади: 1 282 нусха.  
Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

